

ТУРЛИ КОНСТИТУЦИОНАЛ ТИПЛАРДАГИ АЁЛЛАРДА АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рабиев С. Н., Тешаев Ш.Ж., Хакимбоева Қ. А.

Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Республикаси.

✓ Резюме

Мақола турли конституционал типдаги аёлларда антропометрик кўрсаткичларнинг хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Тузғуқлар кечишини белгилаб берадиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўй узунлигидир. Ҳомиладорлик ва тузғуқдаги асоратлар сонининг аёл конституциясига бевосита боғлиқлигини кўрсатиб беради.

Калит сўзлар: конституционал тип, антропометрия, ҳомиладорлик, тузғуқ, соматотип, долихоморф, брахиморф ва мезоморф.

ОСОБЕННОСТИ АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ У ЖЕНЩИН РАЗНЫХ КОНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ ТИПОВ

Рабиев С. Н., Тешаев Ш.Ж., Хакимбоева Қ. А.

Бухарский Государственный медицинский институт имени Абу Али Ибн Сино, город Бухара, Республика Узбекистан.

✓ Резюме

Статья посвящена изучению особенностей антропометрических показателей у женщин разных конституциональных типов. Одним из важных показателей, определяющих течение родов, является рост. Это показывает, что количество осложнений во время беременности и родов напрямую связано с конституцией женщины.

Ключевые слова: конституциональный тип, антропометрия, беременность, роды, соматотип, долихоморф, брахиморф ва мезоморф.

FEATURES OF ANTHROPOMETRIC INDICATORS IN WOMEN OF DIFFERENT CONSTITUTIONAL TYPES

Rabiev S. N., Teshayev Sh. J., Khakimboyeva K. A.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Sino, Bukhara, Republic of Uzbekistan.

✓ Resume

The article is devoted to the study of the features of anthropometric indicators in women of different constitutional types. One of the important indicators that determine the course of labor is growth. This shows that the number of complications during pregnancy and childbirth is directly related to the woman's constitution.

Key words: constitutional type, anthropometry, pregnancy, childbirth, somatotype, dolichomorph, brachymorph va mesomorph.

Долзарблиги

Тана конституцияси тўғрисидаги таълимот кўп асрлик тарихга эга. Гиппократ ва Гален давридан бошлаб, файласуфлар, олимлар ва шифокорлар инсоннинг жисмоний ва рухий борлигини ўрганишга, одам танасининг ташқи тузилиши ва алоҳида тизим ҳамда умуман

организмнинг фаолият хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга, шунингдек шахснинг рухий ҳолатини билишга ҳаракат қилишган. XX асрда бу муаммоларни кўпгина олимлар қайта ишлаб чиқиб, одам конституцияси тўғрисидаги

таълимотга асос солишган.

В. М. Auerbach ва ҳаммуаллифлари (2018) қайд этишича, одам конституцияси тўғрисидаги таълимотнинг яратилиши, унинг соғлиққа, касалликлар кечишига таъсири Гиппократ ва Гален асарлари билан боғланади [6].

Бу муаллифлар конституцияси тушунчаси ва одамнинг ташқи кўринишига катта аҳамият беришган ва бир қатор касалликларнинг у ёки бу морфологик типлар учун хослигини кўрсатиб беришган. Гиппократ конституционал типларнинг иккита таснифини таклиф этган. Биринчи тасниф асосида организм у ёки бу суюқлиги (қон, шиллик, сариқ ва қора сафро)нинг устунлиги ва нисбати ётади. Шунга боғлиқ ҳолда Гиппократ одам конституциясини яхши ва ёмон, кучли ва кучсиз, қуруқ ва нам, таранг ва бўш турларга ажратди. Иккинчи тасниф асосида жамиятда одамнинг ахлоқи ва темпераменти туради. Бунда одамлар 4 та типга, яъни холерик, сангвиник, флегматик ва меланхоликка ажратилади.

Конституция муҳитнинг маълум бир омиллари таъсирида ирсий дастурнинг рўёбга чиқиши заминиди шаклланган одам организмнинг нисбатан барқарор морфологик ва функционал хусусиятлари мажмуаси ҳисобланади.

Антропометрик кўрсаткичлар, функционал ва ирсий белгиларни нисбий ва қўшимча чегараловчи белгиларни фойдаландиган ҳолда баҳолаш орқали тадқиқотчилар тана тузилиши ва конституциянинг бир неча типларини ажратишди [2, 7,9, 11,13,15].

Замонавий тиббиётнинг профилактика йўналиши кўпгина фундаментал тадқиқотларга таянади.

Ҳозирги кунда конституционал типларнинг кўпгина таснифлари таклиф этилган. Кўпинча бу таснифлар ўзида таърифий ва микдорий белгиларни жамлайди.

Тиббиётда М.В. Черноруцкий (1929), А.А. Богомольц (1926), В.Н. Шевкуненко (1935), У. Шелдон (1954), Штефко-Островский (1929), В.В. Бунак (1937), Р.Н. Дорохов (1988) нинг конституционал типларга доир таснифлари кенг қўлланилади [1,5,9]. Юртимизда қабул қилинган конституционал схемалардан ташқари кўплаб схемалар мавжуд. Мавжуд схемалардан А.А. Chaïou (1912) ва L. Мас-Аулиffe (1925) таснифлари кўп қўлланилади. Бу муаллифлар конституция организмга ташқи муҳитнинг бевосита таъсири натижасидир деган фикрни илгари суришган. Бу таъсиротлар самарасида аъзолар

тизимлари орасида муайян боғлиқликлар юзага келиб, улар маълум бир конституция намояндалари орасида кўпроқ ифодаланган бўлади.

Хусусий анатомик конституцияни таърифлаш учун айрим тадқиқотчилар “соматотип” деган тушунчани таклиф этишади. Соматотип морфологик мезонларга асосланган бўлиб, конституциянинг бир қисми, яъни унинг ташқи соматотипик ифодаланиши, морфологик тавсифи ҳисобланади.

Тана тузилишининг нафақат ёшга доир, балки жинсий тафовутлари ҳам кузатилади. Соматометрия эркаклар учун етарлича яхши, аёл ва болалар учун эса ҳали тузук ишлаб чиқилмаган. Ўзбекистонда 1979 йилда В.П. Чтецов томонидан И.Б. Талант (1927) терминологияси ва таснифини фойдаландиган ҳолда таклиф этилган эркак ва аёлларнинг соматотипологик диагностикаси кенг қўлланилади [14,15,16,17].

Кўплаб муаллифлар жинсий етилишгача бўлган даврда морфологик конституция ҳали нотурғун бўлишини, аммо пубертат даврда айрим ҳолларда, аксари эрта етилувчи типларда у турғун бўлиши мумкинлигини кўрсатишади [7,8,11,13,15].

Айрим муаллифлар бу давр конституциянинг катта трансформацияси билан таърифланишини қайд этишади [2,5,7].

Аёлларнинг соматотипик диагностикаси асосида И.Б. Талант терминологияси (1927) га биноан В.П. Чтецов, Н.Ю. Лутовинова ва М.И. Уткина (1979) томонидан таклиф этилган схема ётади [3].

Жаҳон конституциологиясида конституцион типологиянинг турли схемаларини ишлаб чиқишган бир қатор мактаблар (француз, немис ва ҳ.к.)ни кўрсатиш мумкин. Бу схемалар турли тамойиллар асосида қурилган бўлиб, ўз таркибига биологик жиҳатдан баробар бўлмаган белгиларни киритади.

Хорижлик муаллифлар қайд этишича, конституция – бу организмнинг ирсий ва орттирилган хоссалар асосида шаклланган морфологик ва функционал хусусиятлари мажмуаси бўлиб, организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсиротларига ўзига хос жавоб реакциясини белгилаб беради [3,6,9]. Л.В.Капилевич ва ҳаммуаллифлари (2009) конституция – кўп тармоқли ҳодиса деб ҳисоблашади. Бу ҳодисанинг асосида соматотиплар тана тузилиши хусусиятларини турли-туманлигини ўрганиш ётади.

Замонавий тиббий антропология ва тиббиётда конституция индивиднинг индивидуал морфофункционал хусусиятларининг мажмуаси сифатида баҳоланади.

Патофизиолог А.А. Богомолец (1926) “Конституция тушунчасига организмнинг микдор ва сифат хусусиятининг физиологик реакцияга муносабати, организмда физиологик жараёнлар ритмининг ифодаланиши, унинг кимёвий регенерацияга қобилятининг ифодаланиши сифатида қараш”ни айтган “чунки конституция организмда *consensus partium* ни ва бу алоҳида қисмлар асосий функцияларининг мукамаллигини умумлаштириб беради”. Бириктирувчи тўқиманинг табиатига қараб, А. А. Богомолец (1926) унинг шишга мойил (ғовак), липоматоз (семиришга мойил), фиброз (зич, толали) ва астеник (юпқа, нафис) турларини фарқлаган. Шу нуктаи назардан бириктирувчи тўқиманинг табиати организмнинг ёш, морфологик ва биокимёвий барча хусусиятларини ва умуман организмнинг тўлалигича реактивлигини белгилаб беради.

Асаб тизими вегетатив қисми фаолияти хусусиятларига қараб, ёки симпатик, ёки парасимпатик асаб тизими тонусининг устунлиги билан фарқланадиган конституционал типлар ажратилади. Булар симпатикотониклар, ваготониклар ва вегетатив асаб тизими мувозанатлашган типлардир. Лекин бу тасниф олдингилари каби бир тизимнинг, ушбу ҳолда вегетатив асаб тизими у ёки бу бўлими таъсирини бир томонлама тушуниш ҳисобига қурилган. Pende N.(1922) у ёки бу эндокрин без функциясининг устунлигига қараб таснифлашни таклиф этган.

A.Veronica ва A.Jerzy (2017) тана тузилиши ва конституционал типларнинг шакллари хусусида тўхталиб, уларни ташқи муҳит генотипик ва фенотипик таъсирининг диалектик бирикмаси натижаси деб биладилар. Муаллифлар конституцияни ҳар қандай биологик ҳодиса каби алоҳида томонлардан, яъни умумий конституция, хусусий конституция ва конституционал боғлиқ фенотипик белгилар жиҳатдан ўрганиб чиқиш керак деб билишади [8,10,12,13,15,17].

Хориж антропологиясида умумий ва хусусий конституциялар фарқланади [9,13]. Умумий конституция – организмнинг муҳит омилларига аниқ бир тарзда жавоб қайтарадиган умумий хусусияти бўлиб, шахснинг жисмоний, физиологик ва руҳий хоссаларининг функционал бирлигини

таърифлайдиган, организм таркибидаги барча тизимлар кўпқиррали фаолиятининг ягона тамойили саналади. Умумий конституция шахснинг жисмоний, физиологик ва руҳий хусусиятларини белгилаб беради, аммо улар ривожланиш ва тарбия шароитлари боғлиқ равишда ўзгариши мумкин. “Хусусий конституция” тушунчасига соматотип (морфологик мезонларга асосланган конституция табиати), темперамент (одамнинг руҳий динамик табиати), серологик (серологик гуруҳи), дерматологик ва бошқа конституциялар қиради.

Н.Д. Горизонтов, М.Я. Майзелис (1966) томонидан “конституция – организмнинг ирсий ва орттирилган хоссалари асосида шаклланган ва унинг реактивлигини белгилаб берадиган функционал ва морфологик хусусиятлари мажмуаси” деб айtilган фикр конституция таърифига жуда мос тушган деса бўлади.

Конституция масаласи конституционал типлар таснифи муаммоси билан боғлиқ, бу эса мураккаблиги ва аҳамияти жиҳатидан турлича бўлган кўп сонли конституционал схемаларни келтириб чиқаради. В. Aschner (1924) таснифи асосида скелет хусусиятлари (конституциянинг тор, ўрта ва кенг типлари) туради.

1926 йилда В.Н. Шевкуненко ва А.М. Геселевич анатомик белгилар замирида, айнан тана айрим қисмлари шакллариининг нисбатига қараб, конституциянинг 3 та типини (долихоморф, брахиморф ва мезоморф) ажратишган.

Долихоморф тип тананинг бўйлама ўлчамларининг ортиши, новча бўй, кўкрак қафасининг узун ва тор бўлиши, тор елкалар, узун оёқлар, калта тана билан фарқланади. Брахиморф тип паст бўйли, энли, кўндаланг ўлчамлари яхши ифодаланган, узун тана, калта оёқлар, бўй ва кўкрак қафаси билан намоён бўлади. Мезоморф тип оралик белгилар (долихоморф ва брахиморф типлар оралиғи) билан тавсифланади. Ушбу тасниф муаллифлари тананинг ташқи кўриниши, ички тузилиши, аъзоларнинг жойлашиши ва функциялари орасида узвий боғлиқлик бор деб ҳисоблайдилар.

Шу билан бирга В.Н. Шевкуненко (1935) тана тузилишининг иккита конституционал типини фарқлаган. Булар долихоморф (мукамал) ва брахиморф (нормукамал) типлардир. Тавсифловчи табиатга эга ўнта антропометрик мезонга асосланган В.В. Бунак (1927) таснифи катта қизиқиш уйғотади. Унга биноан тана тузилишининг тўртта асосий

типи мавжуд бўлиб, мезопластик, долихопластик, субпластик ва брахиластик типлардир.

Масалан, италиялик шифокор G. Viola тизимининг модификацияси италян ва румин конституционалоглар томонидан қўлланилмоқда. Амалий мақсадларда 10 та ўлчов белгиларидан фойдаланилган. Улардан оддий эмпирик ҳисоблашлар йўли билан 4 та индекс олинган. Ҳар бир индекс бўйича индивидуумнинг ҳолати ўша ёш ва жинсдаги стандарт гуруҳ билан таққосланиб баҳоланган ва тана тузилишни лонготип, брахитип, нормотип ёки аралаш типга таснифланган. Лонготип учун узун оёқлар, нисбатан кенг кўкрак қафаси ва кўндаланг ўлчамларнинг олд-орқа ўлчамлардан устунлиги хос ҳисобланган. Брахитип учун шунгу қарама-қарши нисбатлар; нормотип учун оралик вазият хос бўлган. Бу тасниф антропометрик белгилар тизимига асосланган биринчи тасниф бўлган.

Auerbach В. М. ва ҳамм. (2018) ишларида шунга ўхшаш тасниф XIX аср охирида француз антропологи Л. Мануврие томонидан кўрсатиб ўтилганлиги қайд этилган [13]. Муаллиф Франция аҳолиси орасида скелия индексига қараб аналогик пропорция типлари фарқлаган ва уларни макроскелия – танага нисбатан узун оёқлар, мезоскелия – пропорционал ривожланиш, брахискелия – калта оёқлар каби турларга ажратган.

Шундай қилиб, Л. Мануврие томонидан ажратилган конституция типлари брахи - ва долихоморфия типларига мос тушади [13]. Л. Мануврие ва айниқса, G. Viola таклиф этган тизимлар ўша замонда морфологик анализ, касалликларга мойилликдаги фарқлар ва озроқ одамдаги физиологик ва руҳий мутаносибликларга бағишланган ишларга асос бўла олган.

Профессор В.М.Черноруцкий (1938) тана тузилишининг учта асосий типини фарқлайди. Бу тасниф қисман академик Петленко В.П. таснифи (Петленко В.П. бўйича астеник, нормостеник ва гиперстеник тип) га мос тушади [9].

Sheldon W.D. (1949) томонидан таклиф этилган тасниф янги тамойилларга асосланган [6]. Sheldon W.D. тана тузилишининг эндоморф, мезоморф ва эктоморф типларини, темпераментнинг висцеро-, сомато- ва церебротония турларини фарқлайди. Тасниф асосида эмбрион варақлари дериватларининг ривожланиш даражаси туради. Sheldon W.D. ҳаёт давомида соматотип ўзгармаслигини қайд этади. Тананинг ташқи кўриниши ва

ўлчамлари ўзгариши мумкин, лекин соматотип ўзгармайди. Кўпгина одамлар аралаш типларга мансуб бўлади, аммо тана конституциясининг у ёки бу таркибий қисми устунлиги кўринади.

Эндоморф (ҳазм қилиш типи, висцеротоник) тип ёғ тўқимаси ортиқча йиғилган кучсиз тана тузилишига эга. Бу тип учун думалоқлик, катта қорин, елкалар ва сонларда ёғнинг тўпланиши, юмалоқ бош, мушакларнинг тараққий қилмаганлиги хос ҳисобланади. Руҳий белгилари қулайликни севиш, овқатланиш ва дўстона тантаналарни ёктириш, одамларга меҳрли бўлиш, жамоа фикрига қўшилиш, сабр-бардошлилик ва яхши уйқу ҳисобланади. Мезоморф (мушак типи, соматотоник) тип вакиллари кенг елкалар ва кўкрак қафаси, бақувват қўл ва оёқлар, катта бошга эга бўлади. Бундай одамлар жисмоний фаолликка ва хавф-хатарга мойил, шиддатли, шижоатли ва шовқин-суронли ҳаракатларга эга ва меҳри қаттиқлиги билан фарқланиб туради.

Эктоморф (мия типи, церебротоник) тип учун баланд пешонали узунчоқ башара, узун мучаллар, тор кўкрак қафаси ва қорин, тери ости ёғ қатламининг йўқлиги хос ҳисобланади. Бундай одамлар жамоадан ажралиш, муҳокама қилишга мойил, социофобия, паст овоз ва ностандарт хатти-ҳаракатлари билан фарқланади. Табиатининг бу кирралари ушбу темперамент вакиллариининг ўта сезувчанлиги (физиологик ўта тезкорлик, ўта диққатчанлик, безовталиқ, одатларга қаршилиқ кўрсатиш)ни билдиради, аммо шу билан бирга айрим хатти-ҳаракатлари, яъни ўзини тутишидаги вазминлик, чекланганлик, социофобия, камгаплик орқали тормозланиш ва одамлардан ўзини олиб қочишга интилиш билан боғлиқ.

1969 йилда америкалик физиологлар Б. Хит и Л. Картер Sheldon тизимини қайта кўриб чиқишди [9,11]. Инглиз антропологлари томонидан Б. Хит (1969) изланишларида келтирилган жадвал асосида яратилган Parnell (1954) схемаси кенг қўлланилади [5]. Унда турли ёшдаги гуруҳ вакиллари учун ўлчов белгиларининг учта мажмуаси ҳисобга олинади. Булар бўй ва вазн нисбати, суяклар диаметри ва айланма ўлчамлари, шунингдек тери-ёғ бурмаларидир.

Вақт ўтиб одам конституциясининг турлича бўлиш сабабларига қарашлар ҳам ўзгариб борди. Масалан, Sergovich Aimee (2014) ташқи муҳит омилларини инкор этган ҳолда, одам генотипининг етакчи таъсири

борлигини кўрсатиб ўтса, Radivojevic U.D. (2014) организмнинг шаклланиш жараёнида шароитни устун омил сифатида баҳолаган [5,7]. Ҳозирги кунда ҳам ирсий мойиллик, ҳам ташқи муҳит омилларининг бу жараёнда иштирок этиши эътироф этиляпти.

Масаланинг яна бир эътиборли томонларидан бири андро - ва гинекоморфиядир. Бу схемаларнинг бир қисми айрим антропологик мактаблар томонидан ҳанузгача қўлланилмоқда [9,11,13]

Аёл қомати типларининг антропоморфологик таснифи (1965) марказий синов-техника тикув лабораторияси томонидан мушаклар ва ёғ тўпланишининг ривожланиш даражасига, уларнинг тана бўйлаб фронтал ва профил проекцияларда кўкрак ва сонда тақсимланиш турига қараб ишлаб чиқилган. Фронтал (олдинги кўринишда) проекцияда кўкрак ва сон кўндаланг диаметрларининг нисбатига қараб қоматнинг 3 та тури ажратилган: мутаносиб, юқори ва пастки. Профил (ён кўриниш) проекцияда кўкрак ва сон кўндаланг диаметрларининг нисбатига қараб ҳам қоматнинг 3 та тури ажратилган. Фронтал ва профил проекцияларда жами бўлиб қоматнинг тўққизта тури ажратилади: булар учта асосий ва олтига аралаш турлардир.

Heasler D. C. (2018) томонидан ўтказилган тадқиқот натижаси аёлларнинг конституционал диагностикаси шуни кўрсатдики, мегалосом конституция вакиллари кўпроқ (57,4%), лептосом конституция 15,5%, мезосом конституция 4,0% ҳолларда қайд этилар экан. 22,9% аёллар шу типлардан биронтасига мансуб эмас экан [5,9]. Соматотип фарқлар юзага келишига касбий шароитлар таъсир этиши мумкин [1,3,15].

Айрим муаллифлар одамнинг ривожланиш ва ўсиш жараёнида ирсият ва ташқи муҳит омилларининг ўрнини алоҳида қайд этишган [9,11]. Конституция шаклланишида ирсий таъсирларнинг улуши 71-76% ни ташкил этади. Геном ва хромосома мутациялари бутун организм конституциясини ўзгартириб юборади.

Тўқима айрим компонентлари нисбатини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади, чунки у организмнинг умумий ҳолатини ва унда кечувчи алмашинув жараёнларининг табиатини тўлалигича акс эттиради ва овқатланиш ва жисмоний фаоллик хусусиятлари, ижтимоий мавқеи таъсирида сезиларли ўзгариши мумкин.

Аёлнинг жисмоний ривожланишини ўрганишда тана массаси индексини ҳисоблашдан ташқари Пенье, Брок, Вервек - Воронцов индекси (2012) масса-бўй индекслари ҳам кенг қўлланилади.

Туғруқлар кечишини белгилаб берадиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўй узунлигидир. Акселерация жараёнлари аёлларнинг барча антропометрик кўрсаткичлари, жумладан бўй қийматининг ҳам ортишига олиб келди. Адабиёт маълумотларга кўра, ҳозирги кунда популяцион гуруҳдаги аёлларда бўйнинг 161,3 см га баробар ўртача узунлиги паст бўйли ва баланд бўйлилар орасида чегара кўрсаткич ҳисобланади [8,10,12,14,16,17]. Анатомик жиҳатдан нормал чанокли аёлларнинг ўртача бўйи Candelas Gonzales ва ҳаммуаллифлари (2017) бўйича 167,24 см ни ташкил этади [4]. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, аёлларнинг бўйи қанча паст бўлса, чанок суягидаги ўзгаришлар шунча ифодаланган бўлади.

Хорижий ва россиялик муаллифлар маълумотларига кўра, бўйи 150-152 см дан паст бўлган аёлларда анатомик тор чанокқа шубҳаланишга асос пайдо бўлади, бу ўз навбатида туғруқда клиник тор чанок ривожланишга ва кесар кесиш зарурати пайдо бўлишига сабаб бўлади [3,7]. Тор чанокнинг борлигига Fili M. J. (2017) бўйича аёлнинг паст бўйлиги билан бирга пойафзал ўлчамининг 5,5-6 дан кичиклиги ҳам ишора этади [2]. E. Daniel-Spiegel (2017) бўйи 150 см дан паст бўлган аёлларнинг 44,8% ида тор чанок бўлишини қайд этади [13]. Нормал чанок ўлчамига эга аёлларнинг 34% ида ва тор чанокли аёлларнинг 11% ида бўйнинг 170 см ва ундан бўлиши қайд этилган. Auerbach Benjamin (2018) пикник соматотипга эга аёлларда оператив туғруқ кўрсаткичи юқори бўлишини келтириб ўтган [6]. Arya Sushila (2017) фикрича, туғруқлар қоматли аёлларда кичик аёлларга ва исталган бўйли тўла аёлларга қараганда енгилроқ ўтади. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида Arya Sushila (2017) ҳомиладорлик ва туғруқдаги асоратлар сонининг аёл конституциясига бевосита боғлиқлигини кўрсатиб беради [5].

Даставвал бу пикник тана тузилишли аёлларга хос бўлиб, тана массаси индекси энг информатив усул сифатида ажратилади.

Чақалокларнинг жисмоний ҳолатига онанинг конституционал типи таъсир кўрсатади. Хусусан, лептосом конституцияли аёлларнинг болалари бўй узунлигидан бошқа барча жисмоний ривожланиш асосий

кўрсаткичларининг паст қийматлари билан ажралиб туришади. Уларда ёғ ва мушак массасининг ўртача ривожланиши ва суяк массасининг суст ривожланиши хос ҳисобланади. Стенопластик соматотипли аёлларнинг болалари ёғ тўқимасининг нисбий микдорига қараб бошқа барча болалардан устун турган. Мегалосом конституцияли оналарнинг болалари барча антропометрик кўрсаткичлар ва индексларнинг юқори бўлиши, шунингдек мушак ва суяк тўқимасининг яхши ривожланиши билан тавсифланади. Бу гуруҳдаги болаларда ёғ тўқимасининг нисбий микдори энг паст эди. Лептосом конституцияли аёлларда хомиладорлик жуда яхши кечади, мегалосом конституцияли аёлларни эса бола ташлаш хавф гуруҳига киритиш мумкин. Эурипластик соматотипли аёлларнинг ярмидан кўпи презклампсия билан касалланиб, у нисбатан эрта бошланган ва фетоплацентар етишмовчилик билан асоратланган. Атлетик ва эурипластик соматотипли аёлларнинг ҳар учинчи ёки тўрттинчисиди туғруқ пайтида хомила гипоксияси қайд этилиб, бу кўп ҳолларда оператив аралашувларга асосий кўрсатма бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, чақалоқнинг жисмоний ҳолати онанинг ўлчам кўрсаткичларига бевосита боғлиқ бўлади. Хориж олимлари чақалоқ тана массаси компонентлари ва жисмоний ривожланиши асосий кўрсаткичларининг она тана тузилишининг асосий параметрлари билан юқори корреляцион боғлиқлигини аниқлашган [1,5,13].

Ҳозирги кунгача тиббиётда, жисмоний тарбияда (айрим истисно ҳолатлардан ташқари) инсоннинг конституционал мансублигини эътиборга олмасдан ўрта статистик ёндашув қўлланиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида амалиётга тадбиқ этиладиган дастурларнинг самарадорлигини пасайтиради. Морфофункционал кўрсаткичлар, жумладан чанок ўлчамлари қийматининг “меёр” муаммоси ҳам ўрта статистик тамойил асосида олиб борилиши услубий жиҳатдан нотўғри ҳисобланади.

Хулоса

Шундай қилиб, турли конституционал типдаги аёллар антропометрик кўрсаткичларининг географик хусусиятлари мавжуд. Бир этно-худудий гуруҳга ва тана тузилишининг ҳар хил типларига мансуб аёлларда хомила ривожланишининг ультратовуш анатомияси қийсий

хусусиятларини ўрганиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Воеводин С. М. Значение и особенности применения 3D/4D ультразвука для исследования плода // SonoAce-Ultrasound – 2008. – № 18. – С. 15-22.
2. Савельева Г. М., Сухих Г. Т., Манухин И. Б. Гинекология // Национальное руководство – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2013. – 704 с.
3. Титченко Л. И., Пырскова Ж. Ю., Чечнева М. А., Титченко И. П. Трёхмерное ультразвуковое исследование для функциональной оценки внутриплацентарной сосудистой сети // Sono Ace Ultrasound. – 2007. – N16. – С. 22-27.
4. Ahman, A. Two sides of the same coin-an interview study of Swedish obstetricians' experiences using ultrasound in pregnancy management / A. Ahman, M. Persson, K. Edvardsson, A. Lalos, S. Graner, R. Small, I. Mogren // BMC Pregnancy Childbirth. - 2015.- Vol. 20. - P.304-315.
5. Arya Sushila and Sanya Kupesic Plavsic. 2017. "Preimplantation 3D ultrasound: current use and problems.- Journal of perinatal medicine. Journal of Perinatal Medicine, Volume 45, Issue 6, Pages 745–758 <https://doi.org/10.1515/jpm-2016-0361>.
6. Auerbach Benjamin M., Catherine A. king, Ryan M. Campbell, meadow L. Campbell, and Adam D. Sylvester. 2018. "Changes in the obstetric size of the human pelvis depending on the age of death and latitude.- American journal of physical anthropology. P.236-90 <https://doi.org/10.1002/ajpa.23690>.
7. Sonographic detection of central nervous system defects in the first trimester of pregnancy /A.C. Engels, L. Joyeux, C. Brantner, B. De Keersmaecker, L. De Catte, D. Baud, J. Deprest, T. Van Mieghem // Prenat Diagn. - 2016.- Vol. 36, N3.- P. 266-273.
8. Öcal, D.F. The place of four-dimensional ultrasound in evaluating fetal anomalies/ D.F. Öcal, T. Nas, I. Güler //Ir. J. Med. Sci.- 2015.- Vol.184,N 3.-P.607-612.
9. Fetal imaging: executive summary of a joint Eunice Kennedy Shriver National Institute of Child Health and Human Development, Society for Maternal-Fetal Medicine, American Institute of Ultrasound in Medicine, American College of

- Obstetricians and Gynecologists, American College of Radiology, Society for Pediatric Radiology, and Society of Radiologists in Ultrasound Fetal Imaging workshop / U.M. Reddy, A.Z. Abuhamad, D. Levine, G.R. Saade //Obstet. Gynecol. -2014.- Vol.123, N5.- P.1070-1082.
10. 4D ultrasound study of fetal facial expressions at 20-24 weeks of gestation / M. Sato, K. Kanenishi, U. Hanaoka, J. Noguchi, G. Marumo, T. Hata //Int. J. Gynaecol. Obstet. -2014.- Vol.126, N3.- P.275-279.
 11. Fetal volume measurements with three dimensional ultrasound in the first trimester of pregnancy, related to pregnancy outcome, a prospective cohort study / N.A. Smeets, M. Prudon, B. Winkens, S.G. Oei //BMC Pregnancy Childbirth. -2012.- Vol. 28.- p. 12:38.
 12. Fetal biometry: does patient ethnicity matter? / L.I. Parikh, J. 3rd Nolan, E. Tefera, R. Driggers // J. Matern. Fetal Neonatal Med. – 2014.- Vol. 27, N5.- P.500-504.
 13. Fetal Biometry in the Israeli Population: New Reference Charts / E. Daniel-Spiegel, M. Mandel, D. Nevo, A. Ben-Chetrit, O. Shen, E. Shalev, S. Yagel // Isr. Med. Assoc. J.- 2016.- Vol.18, N1.-40-44.
 14. Khamdamova M. T., Tukhtasinovna K. M. Echographic features variability in the size and shape of the uterus and ovaries in women of the second period of adulthood using various contraceptives //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 5. – С. 259-263.
 15. Khamdamova M. T. Age and individual variability of the shape and size of the uterus according to morphological and ultrasound studies //Problems of biology and medicine. – 2020. – №. 1. – С. 116.
 16. Khamdamova M. T. Anthropometric characteristics of the physical status of women in the first and second period of middle age //New day in medicine. – 2020. – №. 1. – С. 29.
 17. Хамдамова М. Т. Возрастная и индивидуальная изменчивость формы и размеров матки по данным морфологического и ультразвукового исследований // Проблемы биологии и медицины. – 2020. – №. 1. – С. 116.

Келиб тушган вақти 09.04. 2021